

Рўзадорнинг дуоси рад этилмайди

13:30 / 12.04.2021 3640

Абу Ҳурайрадан розияллоҳу анҳу ривоят қилдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Рўза шаҳватлардан тўсувчидир, агар бирортангиз рўза тутадиган бўлса, нолайиқ сўзларни айтиб, жоҳиллик қилмасин, бирор киши урушиб ёки сўкадиган бўлса, мен рўзадорман, деб икки марта айтсин»**, дедилар.

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари.

Яна Абу Ҳурайрадан розияллоҳу анҳу ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уч тоифа кишининг дуоси рад этилмайди. Улар: Рўзадорнинг оғзини очгунича қилган дуоси, одил имомнинг дуоси, мазлумнинг дуоси»**.

Термизий ва Ибн Можа ривоятлари.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан